
ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ МУҚАММАЛ ТАЪМИРЛАНМОҚДА.

Мамлакатимизда инвестиция дастурлари асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ижтимоий соҳалар, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини давр талаби асосида ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Данғара туманида ҳар йили манзилли рўйхат асосида Инвестиция дастурига киритилган таълим даргоҳлари муқаммал таъмирланиб, моддий-техник базаси ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда.

Жумладан, Тайпоқ МФЙда жойлашган 47-сонли мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлат дастури асосида ушбу масканда муқаммал қайта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотининг хоналари тўлиқ қайта тамирдан чиқарилиб, моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-08-17 09:02:52